

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



2021

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

LMS Moodle асосида таълимни бошқариш

“Таълимда рақамли технологиялар” йўналиши

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Таълимда рақамли технологиялар” йўналиши

“LMS Moodle асосида таълимни бошқариш”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2022



Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги ПКҚТваУМО тармоқ маркази директори, п.ф.д., проф. Ф.Закирова,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ҳузуридаги ПКҚТваУМО тармоқ маркази ходими, Ш.Адашбоев

Такризчилар: Беларусь-Ўзбекистон кўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари в.б., доц. Набиулина Л.
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ, “Ахборот таълим технологиялари” кафедраси доценти, PhD Ш.Позилова.

Ўқув -услубий мажмуа Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 26 октябрдаги 3(705)-сонли баённома)



МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол методлар	12
III. Назарий материаллар.....	19
IV. Амалий машғулот материаллари.....	63
V. Кейслар банки.....	130
VI. Глоссарий	144
VII. Адабиётлар рўйхати.....	151



І БЎЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.



Модулнинг мақсади ва вазифалари

“LMS Moodle асосида таълимни бошқариш“ модулининг мақсади: LMS Moodle бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ошириш.

Модулнинг вазифалари: олий таълим муассасалари педагог кадрларида LMS Moodle ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“LMS Moodle асосида таълимни бошқариш“ модулининг модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- LMS тизимларининг асосий тушунчалари, тамойиллари, имкониятларини *билиши* керак;
- LMS Moodle тизимидан рўйхатдан ўтиш, LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш, ҳар хил турдаги тестларни яратиш ва тест жараёнини ташкиллаштириш, талабаларнинг билим ва кўникмаларини мониторингини LMS Moodle тизимида олиб бориш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
- LMS Moodle тизими имкониятларидан фойдаланиб назарий, амалий ва лаборатория машғулотларни, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.
- LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“LMS Moodle асосида таълимни бошқариш “ модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.



Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“LMS Moodle асосида таълимни бошқариш” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълимий SMM”, “Булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш”, “МООС ларни яратиш ва улардан фойдаланиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар электрон ҳукуматни жорий этишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.



Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклараси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амаий	машғулот
1.	LMS тизимлари: асосий тушунчалар, тамойиллар, имкониятлари.	2	2		
2.	LMS Moodle - таълим сифатини ошириш воситаси сифатида. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш.	2	2		
3	LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш.	2	2		
4	LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари.	2	2		
5	LMS Moodle тизимида назарий машғулотларни яратиш.	2		4	
6	LMS Moodle тизимида амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш усуллари.	2		4	
7	LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини мониторинг қилиш.	2		4	
8	LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини жадаллаштириш усуллари.	2		2	
	Жами:	22	8	14	0



НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза. LMS тизимлари: асосий тушунчалар, тамойиллар, имкониятлари. (2 соат)

Ахборот технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. LMS тизимлари: асосий тушунчалар. LMS тизимлари тамойиллари. LMS тизимларининг имкониятлари. SCORM ёки AICC стандарт пакетлари.

2-маъруза. LMS Moodle - таълим сифатини ошириш воситаси сифатида. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш. (2 соат).

LMS Moodle тизимида ўқув курси. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш. LMS Moodle тизимида ўқув курсини олиб бориш.

3-маъруза. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш (2 соат).

LMS Moodle тизимида талабаларни регистрация қилиш. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш.

4-маъруза. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари (2 соат).

LMS Moodle тизимида тестлар турлари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. LMS Moodle тизимида назарий машғулотларни яратиш (4 соат).

2-амалий машғулот. LMS Moodle тизимида амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш усуллари. (4 соат).



3-амалий машғулот. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини мониторинг қилиш. (4 соат).

4-амалий машғулот. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини жадаллаштириш усуллари. (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



II БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум кубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:
 - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
 - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштирувчи савол)**
 - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
 - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
 - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантирувчи савол)**
 - **Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташлайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWLH” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича кўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWLH:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишни хоҳлайман?

How - қандай билиб олсам бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.



“KWL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	



“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“БЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Беер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.



“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши



мумкин.



Тест



Муаммоли вазият



**Тушунча таҳлили
(симптом)**



Амалий вазифа

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



Ш БЎЛИМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-март. LMS тизимлари: асосий тушунчалар, тамойиллар, имкониятлари (2 соат)

Режа:

- 1.1. Ахборот технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари.
- 1.2. LMS тизимлари: асосий тушунчалар. LMS тизимлари тамойиллари. LMS тизимларининг имкониятлари.
- 1.3. SCORM ёки AICC стандарт пакетлари.

Таянч иборалар: *ахборот технологиялар, рақамлаштириш, LMS (Learning Management Systems), LMS Moodle, SCORM, AICC.*

1.1. Ахборот технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ҳамда илмий-техника тараққиёти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларни тадбиқ қилиш даражасини тезлаштириб юборди. Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларини ахборотлаштириш жамият ривожланишининг объектив жараёни ва зарур бўлган ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг табиий давомидир.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникацион технологиялари (АКТ) иборалари кундалик турмушда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳаётнинг қайси соҳасини олмайлик, қандай амалларни бажармайлик, албатта, АКТ билан иш кўрамыз. Замонавий АКТдан фойдаланиш, ахборот алмашиш, уларни узатиш, ўзлаштириш инсон фаолиятининг асосий негизини ташкил этади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари жуда



кенг тизим бўлиб, унга маълум бўлган компьютер, мультимедиа воситалари, компьютер тармоқлари, Интернет каби тушунчалардан ташқари қатор янги тушунчалар ҳам киради. Буларга ахборот тизимлари, ахборот тизимларини бошқариш, ахборотларни узатиш тизимлари, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, билимлар омбори кабилар мисол бўлиши мумкин. “XXI аср - ахборотлаштириш асри”да таълим соҳасига электрон таълимни жорий этиш, ҳар бир таълим муассасасида:

- ўқитиш ва ўқиш жараёнининг;
- таълим муассасаси бошқарилишининг;
- таълим муассасаси бўлинмаларининг;
- таълим муассасаси фаолияти муҳитининг ахборотлаштирилишини талаб қилади.

Ахборот технологиялар – объект, жараён ёки ҳодиса (*ахборот маҳсулоти*)нинг ҳолати тўғрисида янги сифатдаги ахборот олиш учун маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва узатиш воситалари ҳамда усулларининг мажмуидан фойдаланувчи жараён.

Ахборот технологиялари мавжуд усуллар ва воситалардан фойдаланиб маълум ахборотларга ишлов бериб, қайта ишлаб янги кўринишдаги инсон фаолияти учун зарур бўлган ахборотларни яратиш жараёнидир.

Ахборот технологиясининг мақсади – инсон томонидан таҳлил қилиш ва унинг асосида қандайдир хатти-ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилиш учун ахборот ишлаб чиқариш.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабага касбий билимларни эгаллашига;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;
- ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида



Ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;

- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;

- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;

- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ушбу таълим воситасининг **дидактик имкониятлари** объектнинг табиий жиҳатлари, техник ва технологик фазилатлари, ўқув ва тарбиявий жараёнида дидактик мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган аспекти сифатида қаралиши мумкин.

АКТ таснифланишига мос равишда дидактик имкониятларини урта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўқув маълумотларини тақдим этиш.
2. Ўқув маълумотларини узатиш.
3. Ўқув жараёнини ташкил этиш.

Ўқув маълумотларини тақдим этиш АКТларнинг дидактик имкониятлари:

- ахборотларни таълимга оид электрон ресурслар орқали матн, графика, аудио, видео, анимацион форматда кўрсатиш ва узатиш;

- қизиқтирувчи маълумотларни тақдим этиш имконияти;

- қабул қилинган билимлар асосида кўникмаларни мустахкамлаш ва кўникмаларни амалда қўллаш имконияти;

- ўқув, ўқув-услубий, илмий ахборотларни тайёрлаш, тартибга солиш ва ишлов бериш;

- ахборотни сақлаш ва йиғиш;

- ахборотни тизимлаштириш.

Ўқув маълумотларини узатиш АКТларнинг дидактик



имкониятлари:

- ахборот-коммуникация технологиялар ёрдамида ахборотларни турли шаклларда тарқатиш;
- маълумотлардан кенг фойдаланишни таъминлаш;
- қизиқтирувчи маълумотларни олиш учун бирон-бир электрон маълумотлар банкига ва мақсадли ўқув маълумотлар базаларига уланиш имконияти;
- турли хил ахборот ташувчи воситалардан маълумотларни юклаш;
- курс ўқитувчиси билан мулоқотни ташкил этиш;
- бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчиларга хабарларни юбориш;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасида асинхрон маълумот алмашиш (матн, график, аудио).
- консультациялар, назорат қилиш ва ҳоказоларни ташкил этиш имконияти.

1.2. LMS тизимлари: асосий тушунчалар. LMS тизимлари таъминлари. LMS тизимларининг имкониятлари.

LMS (Learning Management Systems) тизимлари электрон таълимни ташкил этишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади. Бундай функцияларга ўқувчиларнинг (ўқитувчиларнинг, курс яратувчи педагогларни ва бошқа ролдагиларни) рўйхатга олиши, фойдаланувчиларни ўқув курслардан четлаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлашини ташкил этиш, гуруҳлар яратиш ва уларни бошқариш, оралиқ, жорий ва якуний назоратларни ташкиллаштириш ва электрон назорат турларини яратиш (электрон назорат турларига ёпиқ турдаги тест, очиқ турдаги назорат, мосликни топишга оид, кетма-кетликни тўғри жойлаштириш, бўш қолдирилган жойни тўлдириш ва бошқа турлари киради), ҳар-хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш, сертификатлар



(дипломлар) бериш имконияти, электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналар) ташкиллаштириш, электрон ўқув ресурсларини экспорт/импорт қилиш имкониятлари, тизим фойдаланувчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар (тьюторлар), курс яратувчи педагогларнинг) тизимга қачон, қанча вақт давомида ўқув контентлар билан танишганлиги, қайси IP адрес орқали кирганлигини (бу эса қайси давлатдан тизимга кирганлигини аниқлашга ёрдам беради), браузер ва қайси операцион тизим орқали кирганлиги, тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг активлигини махсус графиклар орқали мониторинг қилиш имконияти, ўқитувчи (тьютор) (ёки электрон курс яратувчи педагоглар) томонидан электрон ўқув ресурсларни яратиши, Authoring toolsларда SCORM, TinCan ёки бошқа стандартлар асосида яратилган электрон ўқув ресурсларини юклаши, ўқувчиларнинг бошқа ўқувчилар/ўқитувчилар билан (Чат, Форум, видеоконференция, умумий электрон доскалар ёки тизимнинг ички/ташқи хабарлар алмашиш модули орқали) мулоқатини ташкиллаштириш, ўқув жараёнида бўладиган янгиликларни барча фойдаланувчиларга оммавий хабар юбориб турувчи модулларнинг мавжудлиги, иқтисодий ва маркетингга оид операцияларни бошқариш ва бошқа имкониятларни санаб ўтиш мумкин.

Қўйида масафавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очиқ кодли LMS дастурий мажмуаларнинг номлари ва уларнинг асосий имкониятлари бўйича маълумотларни баён қиламиз.

Atutor - Очиқ кодли таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work, Student tracking ва бошқа модуллари мавжуд. Тизим бир нечта стандартларни қўллаб қувватлаганлиги сабабли, интернет орқали жисмоний нуқсонга эга бўлган ўқувчи талабалар тизим орқали ўқув ресурслардан фойдаланишлари мумкин. Хусусан кўзи ожиз талабалар махсус веб иловалар орқали тизимга боғланган ҳолда ўқув контентдаги сўзларни аудио форматда ўтказган ҳолда тинглаши мумкин. Ўқув модулини ёзиш вақтида Atutor дастурий мажмуасининг барқарор



версияси 2.1.1. Тизимнинг шахсий сайтида 20 дан ортиқ ҳар хил модуллар мавжуд.



1.1-расм. AtutorLMS тизими

Claroline – Эркин ва очиқ кодли масофавий ўқув курсларни ташкиллаштириш имкониятини берувчи Webга ориентацияланган дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизим Лувенадаги (Бельгия) католик университетининг педагогика ва мультимедиа институтида яратилган. Дастурий мажмуадан фойдаланиш GNU (General Public License) асосида амалга оширилади яъни бепул фойдаланиш мумкин. Тизим ишлаши учун серверда PHP/MySQL/Apacheларни ўрнатилиши талаб қилинади. Windows 98 ва NT, Mandrake Linux 8.1 муҳитига ўрнатилган EasyPHP тизимда тизим тестдан ўтказилган. **Claroline** дастурий мажмуасидан **80** дан ортиқ давлатларда фойдаланишади ва **30** дан ортиқ тилларга (дастур интерфейси) таржима қилинган. Тизим **2000** дан ортиқ талабаларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиши мумкин.

Claroline дастурий мажмуаси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш учун талаб қилинадиган барча талабларга жавоб беради хусусан, фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, тизимда фойдаланувчиларнинг (фан ўқитувчиси, ўқувчи ва меҳмон) ролларини администратор томонидан белгилаши, ўқув курсларни яратиш, уларнинг таркибини таҳрирлаш, талабалар билимини назорат қилиш, мониторинг олиб



бориш, назорат натижаларини таҳлил қилиш, тизим ичида фойдаланувчилар ўртасида коммуникация элементларидан (чат, форум, қисқа хабарлар жўнатиш модулларидан) фойдаланиш ва бошқариш имкониятини беради.

Тизимда бошқа LMSлар сингари қўйидаги кўрсатилган ўқитиш модуллари мавжуд: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking, Календарь, Вики ва бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлайди.

Ўқув модулини ёзиш вақтида тизимнинг барқарор версияси Claroline 1.11.8. Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://claroline.net/>



1.2расм.ClarolineLMS тизими

Dokeos - Clarolinening 1.4.2 версиясидан ажралиб чиққан янги дастурий мажмуа ҳисобланади. Dokeos Claroline платформасини ишлаб чиққан дастлабки ишчи гуруҳнинг бир неча аъзоларининг иш маҳсули бўлиб, улар таълим муассасалари учун яратилган Clarolinedан фарқли равишда давлат корхоналарининг ишчи ходимларига мослаштиришни мақсад қилишди ва амалга оширишди. Dokeos дастурий мажмуасининг расмий Web сайтига ташриф буюрсангиз, у ерда дастурнинг 2 та версиясини кўчириб олишни таклиф қилинади: **Dokeos FREE** – бепул ва **Dokeos PRO** – бепул бўлмаган, қўшимча модуллари мавжуд бўлган дастур пакети таклиф этилади.



Лекин Dokeos FREE версияси бизнинг фикримизга кўра, таълим жараёнини ташкиллаштириш учун керак бўладиган барча ўқув модуллари мавжуд. Тизимнинг имкониятларини ва унда мавжуд ўқув элементларни кўйида кўрсатилган ақл харитаси орқали кўриш мумкин. Расмдан кўриниб турганидек, тизимда мавжуд ўқитиш модулларини таълим муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда LMS ларининг кўпчилиги ижтимоий тармоқлардаги мавжуд ғоя асосида ўзларининг ишчи муҳитларини шундай тармоқларга мослаштирамоқда. Шунга кўра, бу тизимда ҳам ижтимоий тармоқ элементлари кенг киритилган. Юқорида келтирилган LMS тизимлари сингари Dokeos дастурий мажмуаси ҳам SCORM стандартини қўллаб қувватлайди. Бу эса бу стандартни қўллаб қувватлайдиган бошқа LMS тизимларига ўқув курсларини экспорт/импорт қилиш имкониятини беради. Dokeos дастурий мажмуаси ўқув модулини ёзиш вақтидаги охириги барқарор версияси Dokeos 2.2 RC2.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://www.dokeos.com/>



1.3-расм.DokeosLMS тизими

LAMS IMS Learning Design стандарти асосида 2003 йилда яратилган. JAVA дастурлаш тилида ёзилган. Кросс-платформали, **32** тилга дастур интерфейси таржима қилинган ва GPLv2 асосида бепул фойдаланиш мумкин.



LAMS дастурий мажмуаси бошқа LMS лардан фарқи шундаки, ўқитувчиларга ўқув жараёнини структуралашда визуал воситалардан фойдаланиш имкониятини беради, бу воситалар ўқув жараёнида ўқув ресурсларини (электрон ўқув ресурслар, чат, сўровномалар, топшириқлар) ва назорат турларини қандай кетма-кетликда бўлишлигини визуал кўринишини таъминлайди. Бунда ўқитувчи “синчқонча” орқали бу кетма-кетликларни ҳеч қандай қийинчиликсиз жойларини ўзгартириши мумкин бўлади. LAMS – электрон ўқув ресурсини визуал равишда ўқув контентларни ўзгартириш бошқариш ва яратишдаги имкониятларининг мавжудлиги сабабли, янги революцион илова ҳисобланади. У ўқитувчига ўқув контентини яратишда интуитив тушунарли интерфейс тақдим қилади. Бу интерфейс ўз ичига ҳар хил индивидуал вазифалар, гуруҳли ўқитишда фронтал вазифаларни беришини ўз ичига олади.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://www.lamsfoundation.org/>



1.4-расм.LAMSLMS тизими

1.3. SCORM ёки AICC стандарт пакетлари.

SCORM (Shareable Content Object Reference Model) ўқитиш жараёнини бошқариш тизими тузилишининг муайян усулини ва контент ўқитишни белгилайди, ва бошқа SCORM келишиладиган тизимлар билан яхши ишлай олади. Асосан, SCORM моделнинг турли версиялари бир хил иккита: TinCan контент ва уни бажариш вақтидаги маълумотлар



алмашинувини бошқаради. TinCan контент жисмоний маънода етказилиши керак бўлган контентнинг бир қисмини белгилайди. SCORM асосидаги TinCan контент «imsmanifest» деб аталадиган ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Ушбу файл импорт ва инсон иштирокисиз контентни ишга тушириш учун LMS талаб этадиган ахборотнинг кичик бўлимини ўз ичига олади. Ушбу файл ўқувчилар нуктаи назарида, ҳамда физик файлли тизим нуктаи назарида курснинг тузилмасини тавсифлайдиган XML дан иборат. Ушбу ҳужжатлар «Қайси ҳужжат ишлаши керак?» ёки «Ушбу контент қандай номланади?» деган саволларга жавоб бўлади. Алоқани бажариш ёки маълумотлар алмашинуви вақтида LMS билан «Ўзаро алоқа» контенти ҳақиқатда ҳарқатдаги контент каби аниқланади. Тенгламанинг ушбу қисмини етказиш ва кузатиб бориш каби тавсифлаймиз. Ушбу боғланишнинг иккита асосий компонентлари мавжуд. Биринчидан, контент LMS ни топиши керак. Контент топгандан кейин чақирувларни «қабул қилиш» ва «ўрнатиш» серия ва у билан боғлиқ бўлган луғат орқали маълумотлар билан алмашиниш мумкин. «*Ўқувчининг номини сўраш*» ва «*LMSни ўрганишида 95%ни тўплади*» каби нарсалар концептуалдир. Мавжуд бўлган SCORM лексикага асосан кўпгина фаол интерактив ҳаракатлар LMSни хабардор қилиш учун етказилган бўлиши мумкин.

SCORM онлайн ўқитишда иштирок этадиганлар учун кучли интсрумент бўлиб ҳисобланади. Контент бир марта яратилиши ва кўпгина турли тизимларда ва вазиятларда ўзгаришсиз фойдаланиш мумкин. Ушбу уланиш функционалиги ва ўйин ташкилот ичида, ва хаттоки, йирик ташкилотларда кучли бўлиши мумкин. Контент фойдаланувчига жуда тез, жуда самарали ва имкони борича арзон нархда сотилиши ва етказилиши мумкин. SCORM йирик ташкилотлар томонидан кенг қўлланилиши мумкин. Критик импульсга эга бўлади ва тармоқ стандартининг де-фактоси бўлиб ҳисобланади. АҚШ мудофаа департаменти шудай белгилаб бердики, ичидаги барча нарсалар SCORM орқали етказилиши керак.

TinCan. SCORM ўн йилдан ортиқ вақт ишлаб чиқилган. Вақт ўтиши



билан педагогларга қўйилган талаблар ҳам ўзгарди ва шунинг учун TinCan ишлаб чиқилган. TinCan очик дастлабки коди API бўлиб ҳисобланади. API код SCORM нинг айрим зарур бўлган қўшимча функционал имкониятларини қўшади ва эски ўзига хос бўлган хусусиятларнинг кўпгина чекловларини олади. TinCan томонидан тақдим этиладиган қўшимча имкониятлар ўз ичига оддийликни, қўшимча хавфсизлик чора-тадбирларни олади, шунингдек LMS дан ташқарида ҳам курсларни ишга тушириш имкониятига эга. TinCan ривожлантириш жорий лойиҳадаги ишларга киради, шунинг учун натижаларни келажакда кўришимиз мумкин.

Саволлар:

1. Ахборот технологиялар тушунчасини тушинтириб беринг.
2. Ахборот-коммуникация технологияларининг дидактик имкониятларини санаб беринг. Ҳар бирига мисоллар келтиринг.
3. LMS (Learning Management Systems) деганда нимани тушунасиз?
4. LMS тизимларига мисоллар келтиринг.
5. Қандай қилиб таълим жараёнида LMS тизимларидан фойдаланиш мумкин? Мисоллар келтиринг.
6. Таълимни рақамлаштириш соҳасининг ривожланишида глобал тенденцияларни келтириб ўтинг.
7. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мисоллар келтиринг. Уларнинг дидактик имкониятларини очиб беринг.

Адабиётлар ва интернет сайтлар:

1. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари. Монография. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
2. Электрон таълим бўйича В.С.Хамидовнинг шахсий блоги <http://elearning.zn.uz/>



3. Kaatrakoski H., Littlejohn A., Hood N. Learning challenges in higher education: an analysis of contradictions within Open Educational Practice // Higher Education. – 2017. – Vol. 74, Issue 4. – P.599–615. DOI: <http://doi.org/10.1007/s10734-016-0067-z>

4. Нурмухамедов Г.Н. Электронные учебные курсы: потребности образования, проектирование, разработка, проблемы и перспективы // Информатика и образование.-2012.-№1.

5. Растамханова С. Н., Фазлетдинова А. Р., Хафизова Р. Р. «Облачное хранилище данных» в документоведческом аспекте // Молодой ученый. – 2016. – №26. – С. 81-83.



2-маъруза. LMS Moodle - таълим сифатини ошириш воситаси сифатида. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш. (2 соат).

Режа:

- 2.1. LMS Moodle тизими ва унинг имкониятлари.
- 2.2. LMS Moodle тизимида ўқув курси.
- 2.3. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш ва олиб бориш.

Таянч иборалар: *LMS Moodle, ўқув курси, ўқув курсини яратиш, ўқув курсини олиб бориш.*

2.1. LMS Moodle тизими ва унинг имкониятлари.

Moodle – Web муҳитида ўқитиш ва on-line режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking ва анча кўп бўлган бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS, SCORM ва бошқа стандартларни қўллаб қувватлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқа LMS тизимларга қараганда энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа айнан, moodle дастурий мажмуаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатларининг ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан **Moodle** дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.

Ўзбекистондаги кўплаб таълим муассасаларида айнан виртуал таълим муҳити сифатида айнан **Moodle** дастурий мажмуаси фойдаланиб келинмоқда.

Moodle – инглизча сўзларнинг аббревиатураси бўлиб Modular Object Oriented Dynamic Learning Environment - модулли объектга йўналтирилган динамик ўқитиш муҳити деб таржима қилинади. Тизим асосан ўқитувчи(лар) ва талаба(лар) ўртасида ўзаро (билим олиш) муносабатини ташкиллаштиришга йўнатирилган. Moodle автори - Martin Dougiamas.



Курснинг якунлаши билан Computer Science and Education йўналиши бўйича университетни якунлаб докторлик диссертацияни тайёрлаб ёқлаган (Ph.D.). Докторлик диссертациясининг мавзуси: "The use of Open Source software to support a social constructionist epistemology of teaching and learning within Internet-based communities of reflective inquiry" номланган.

Moodle PHP дастурлаш тилида ёзилган, SQL-маълумотлар базаси асосида ишлайди (MySQL, PostgreSQL, Microsoft SQL Server ва бошқ.). Moodle SCO объектлари билан ишлай олади ва SCORM стандартини қаноатлантиради. Moodle архитектураси модулли ишлаш принципида бўлганлиги сабабли, унинг имкониятларини қўшимча плагинлар орқали кенгайтириш мумкин.

Таълим(ўқиш)ни бошқариш тизими – ўқув фаолиятини бошқариш тизимининг асоси (инглизча Learning Management System) бўлиб, умумий кириш ҳуқуқини таъминлайдиган ўқув on-line материалларни шакллантириш, бошқариш ва тарқатиш учун қўлланилади.

Moodle масофавий ўқитиш жараёнини тўла қўллаб-қувватлаш учун кенг доирадаги имкониятларни беради– ўқув материалларини турли усулларда бериш, билимларни текшириш ва ўзлаштириш назорати алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Moodle да 15 турдаги интерактив ўқув материаллари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ошиб бормоқда. Курс яратувчиси тизимнинг бундай имкониятидан фойдаланган ҳолда ўқитиладиган фанни талабаларга (билим олувчиларга) интерактив кўринишда тақдим этиш имкониятини яратади.

LMS тизимлари учун электрон таълим ресурсларини айнан SCORM ёки AICC стандарт пакетлари асосида яратиш тавсия этилади

Wiki (Вики) – бир нечта фойдаланувчи томонидан электрон материалларни қўшиши, кенгайтириши ва ўзгартириш имкониятини берувчи, Веб 2. Концепцияси асосида яратилаётган ҳужжат устида бир вақтда ҳамкорликда ишлаш имкониятини беради.

Сўровлар – тизимдаги фойдаланувчилар орасида ўқув мақсадидан



келиб чиққан ҳолда ҳар хил кўринишдаги сўровларни ташкиллаштириш имкониятини беради.

Маълумотлар базаси – ўрганилаётган фан бўйича маълумотлар базасини ҳамкорликда ёки якка тартибда шакллантириш имкониятини берувчи модул.

Глоссарий – курснинг барча ҳужжатлари бўйича ҳаволаларни автоматик ташкил қиладиган таърифлар рўйхати. Агар таъриф глоссарийга киритилган бўлса, у ҳолда агар у курс матнларида учраса, ҳавола глоссарийнинг ёрдамчи элементига автоматиктаъминланади. Яратилган глоссарий орқали электрон назорат турларини ташкиллаштириш имкониятини беради.

Топшириқ – ўқитувчи жавобни электрон кўринишда олиш учун ишлатиш мумкин (ихтиёий форматда).

Маъруза – ҳар бир саҳифаси талаба жавоб бериши лозим бўлган савол билан тугайдиган саҳифалар тўплами. Жавобнинг тўғрилигига боғлиқ ҳолда, талаба кейинги саҳифага ўтади ёки олдинги саҳифага қайтади. Бу таълим йўналишини аниқлашни ва ўқитиладиган фан тушунарсиз бўлиб қолмаслигини таъминлайди. Шу билан бир қатордатаълимни индивидулалаштириш имкониятини беради. Бу турдаги ўқув элемент орқали билим олувчининг шахсий тайёргарлигидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган ўқув курси тизим орқали танлаб берилади.

Шарҳ – курс саҳифасидаги ихтиёрий матн ва графика.

Иш дафтари – берилган мавзу бўйича талаба фикрини билдирадиган жой.

Ресурс – автоматик тасвирланадиган турли файлларни юклаш ва тасвирлаш воситаси. Масалан, маъруза аудиоёзувини юклашда у медиаплейр сифатида тасвирланади.

Семинар – қатнашчилар бир-бирининг ишини баҳолайдиган топшириқ.

Тестлар – турли вариантли тестлар тўплами. Саволлар бир нечта вариантли жавоблардан, тўғри/нотўғри танловдан, қисқа матнли жавобдан ва



бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Форум – форумнинг 3 кўриниши мавжуд (савол-жавоб, ҳамманинг ўз мавзуси, стандарт музокара).

Чат – реал вақтдаги музокара олиб бориш имкониятини беради.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.moodle.org>

Системада фойдаланувчи ҳуқуқларини аниқловчи қуйидаги асосий роллар мавжуд:


- Администратор- барча ишни бажара оладиган шахс;
- Курс ясовчиси (создатель курсов(course creator)) – системада курсни таҳрирлаш, рўйхатга олиш ва ўқитувчи тайинлаш ҳуқуқига эга;
- Ўқитувчи (teacher)-ўз курсини таҳрирлаш ва унга ассистентларни, талабаларни тайинлаш ҳуқуқига эга;
- Ассистант(non-editing teacher) – курсни таҳрирлаш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо талабарнинг баҳоларини, курснинг топшириқ ва тест натижаларини кузатиб бориш ҳуқуқига эга ;
- Студент (student)- Ўзига тегишли бўлган курсда ишлаш, курс материалларини кўриш, топшириқларни текширишга юбориш, тестларни бажариш, форум ва чатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга;
- Гост(guest)- курс категориялари билан танишувчи менмон сифатида кириш ҳуқуқига эга шахс.

Тизим орқали ўқув курсига кириш икки ҳил усулда амалга оширилади:

1. Мижоз электрон почта орқали ўзи қайдномани тўлдириш йўли билан;
2. Администратор орқали қайдномани тўлдириш.



MOODLE - *Modular Object Oriented Dynamic Learning Environment*
(модулли объектга йўналтирилган динамик ўқитиш муҳити).



2.1-расм. LMS Moodle тизимининг структураси.

2.2. LMS Moodle тизимида ўқув курси.

MOODLE тизимида янги курсларни яратиш, талабаларга тегишли



ёрдамлар ва маслаҳатлар бериш маъсулиятини тьютор (курс ўқитувчиси) бажаради.

Курс ўқитувчиси яратилажак ўқув курсини қандай коммуникация элементлари (чат, форум) мавжуд бўлишлигини ўқув жараёни қандай траектория орқали амалга ошириш жараёнини ташкиллаштириш имкониятига эга.

Курснинг асосий мазмуни бўлимларга (мавзуларга) бўлинган. Курс бўлими ўқув курсининг бир бўлаги (фрагменти) бўлиб, у ўз номига эга ва ресурслар ҳамда курс элементларидан иборат. Мавзу бўйича бўлим ўз сарлавҳасига эга бўлиб, ресурслар ва курс элементларидан иборат. Курсдаги ресурслар (веб-саҳифалар, файлларга ёки каталогларга йўналтирувчи маълумотлар (*ссилкалар*)) ва элементлар (маърузалар, суровномалар, тестлар, топшириқлар ва ҳ.к.) сони чекланмаган. Курснинг ресурслари бир неча хил турда бўлиши мумкин. Улар мавзу бўйича материалларга йўналтирувчи маълумотлардан (*ссилкалардан*) таркиб топади. Курснинг асосий ресурслари:

- *URL-ссылка* (Веб-саҳифа)
- Пакет *IMS*
- Папка (Файллар каталогига ссылка)
- Саҳифа (Веб-саҳифа)
- Файл (бирон-бир ҳужжатга ссылка)

Moodle тизимида турли форматдаги файллар билан ишлаш мумкин: *MS Office (Word, PowerPoint ва бошқалар)* файллари, мультимедия файллари (видео, flash ва бошқалар). Курснинг саҳифасида ташқи веб-иловаларга йўналтирувчи ссилкалар ҳам учраши мумкин. Ўқитувчи ўз курси доирасида алоҳида веб-саҳифалар яратиши ҳам мумкин. Шунингдек, курсга *IMS Content Package* форматдаги ташқи электрон курсни экспорт қилиш имконияти ҳам бор.

Курс элементлари – бу интерактив модуллар бўлиб, улар ёрдамида ўқитувчи ўз курсида ўқув жараёнини ташкиллаштиради (курс



материалларини жойлаштиради, тест ўтказади, тингловчилар билан мулоқот қилади ва ҳ.к.). Тизим таркибида жуда кўп хилма-хил модуллар мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий турдаги курсларни яратишга имкон беради.

Модулларнинг турлари қуйидагилар:

- 1) Анкета (Survey)
- 2) Маълумотлар базаси (Database)
- 3) Глоссарий (Glossary)
- 4) Топшириқлар (Assignments). Фойдаланувчига 4 хил топшириқлар

берилиши мумкин:

- 4.1) жавоби бир неча файлларда бериладиган топшириқ;
 - 4.2) жавоби матн шаклида бериладиган топшириқ;
 - 4.3) жавоби файл шаклида бериладиган топшириқ;
 - 4.4) жавоби сайтдан ташқари ҳолатда бериладиган топшириқ.
- 5) Маърузалар (Lesson)
 - 6) Сўров (Quiz)
 - 7) Тест (Choice). Тестлар саволларнинг ҳар хил турларидан

фойдаланган ҳолда тузилади. Саволларнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- 7.1) Тўғри/Нотўғри тести
 - 7.2) ичма-ич жавоблар (Cloze) тести
 - 7.3) Ҳисоблаб топиладиган жавоб тести
 - 7.4) Қисқа жавоб тести
 - 7.5) Кўп вариантли танлов тести
 - 7.6) Мосликни текшириш тести
 - 7.7) Сонли тест
 - 7.8) Эссе шаклидаги тест
 - 7.9) Тавсиф тести.
- 8) Форум (Forum)
 - 9) Чат (Chat)




2.3. LMS Moodle тизимида ўқув курсини яратиш ва олиб бориш.

Тьютор (ўқитувчи)нинг курсни таҳрирлаш ойнаси келтирилган бўлиб, “Электрон педагогика” фани мисолида ўқув жараёни ташкиллаштирилган.



2.2-расм. Тьютор (ўқитувчи)нинг курсни таҳрирлаш ойнаси

Ўқув жараёни 10 хафталик кўринишда келтирилган. Курс ўқитувчиси ҳар бир ўқув жараёнига тегишли топшириқларни махсус эълонлар ойнаси орқали ёки автоматик равишда ҳар бир фойдаланувчининг шахсий электрон почтасига жўнатиши мумкин бўлади.



2.3-расм. Курс элементларини қўшиш ойнаси

Шунингдек курс ўқитувчиси(тьютори) ўқув жараёнидан келиб чиққан ҳолда қўйида кўрсатилган курс элементларини ҳар бир ҳафталик машғулотларига интеграциялаштириши мумкин бўлади. Хусусан, чат, Анкета, Дарс модели, Форум, Глоссарий, Маълумотлар омбори, Scorm/AICC, Сўровлар, тест топшириқлари ва Web2 элементлари бўлмиш Wiki элементларини киритиш имкониятига эга бўлади.

MOODLE тизимига ўқув жараёнига оид ўзгартиришларни “Бошқариш” панели орқали



қўйидаги амалларни бажариш мумкин: курсни таҳрирлаш, ўрнатишлар, ролларни тайинлаш, баҳолар, гуруҳлар, курсни резерв нусха олиш, курсни тиклаш, импорт, ҳисоботлар, саволлар ва курсга оид файллар шунингдек, фойдаланувчилар ҳақида маълумотларни олиш мумкин бўлади

Курсда ўқитувчи календар блокинни жойлаштириши мумкин. Календарда бугунги кун рамка билан белгиланиб, қолган кунлар ҳар хил рангли бўлиши

Ҳар бир фойдланувчи календардан фойдалана олиши мумкин, худди ўзининг календаридан фойдалангандек. Бу календарда белгиланган кунлари



ва улар хақида маълумотлар бутун курсга очик равон бўлади. Ундан ташқари бу календарда ўқитувчи барчага тегишли бўлган кунларни ҳам белгилаши мумкин. Администратор эса бу календарга барча белгиланаётган ва кутилаётган кунлар хақида маълумотларни киритиши ва хабар тарқатиш имкониятига эга. Агарда белгиланган маълумот ҳар ҳафта етказилиши лозим бўлса у ҳолда созлаш панели орқали бу кунни ҳар ҳафтали қилиб сақлаб қўйиш лозим.

Ўқитувчига шарт эмас ҳар доим маълумотларни киритиб туриш, чунки тизим ўзида белгиланган доимий хабарлар ва маълум кунларни ўзи автоматик тарзда қўшиб боради. Агарда маълум бир кунда белгиланган маълумотни очиш керак бўлса, у ҳолда шу кунга курсорни келтириб тугмачани босиш kifоядир. Шу заҳоти шу кун билан боғлиқ маълумотлар очилади.

Ўқувчиларнинг мулоқоти биз яратган MOODLE тизимида кўзда тутилиб қулай тарзда юритилган .

Хабарлар алмашинуви алоҳида блокда берилган. Унда мулоқотчилар Тьютор томонидан рўйҳатини созлаш мумкин. Ундан ташқари хабарларни текшириш, кузатиш ва уларни таъқиқлаб қўйиш мумкин. Маълумотлар алмашинуви блокада маълумотлар сони ва ҳар бир ўқувчининг хабарномаларисони кўрсатилади.

MOODLE тизимида ўқувчилари ўқув жараёнини бошлашлари билан билан: материалларни кўриш, топшириқларни бажариш,тестда иштирок этиш ва барча ҳаракатларини ҳисобга олиш учун батафсил журнал юрита бошлаш функцияси ишга туширилган.



Электрон педагогика: Barcha ishtirokchilar, Barcha kunlar (UTC+4)

Электрон педагогика ▼ Barcha ishtirokchilar ▼ Barcha kunlar ▼ Barcha mashqlar ▼

Display on page ▼ Bu loglarni ol

(297) yozuvlarini ekranga chiqarish.

Sahifa: 1 2 3 (Keyingisi)

Vaqt	IP manzil	To'liq ism	Amal	Ma'lumot
Sun 6 June 2010, 08:49 PM	127.0.0.1	Admin User	course report log	Электрон педагогика
Sun 6 June 2010, 08:34 PM	127.0.0.1	Admin User	course view	Электрон педагогика
Sun 6 June 2010, 08:33 PM	127.0.0.1	Admin User	course view	Электрон педагогика
Sun 6 June 2010, 08:19 PM	127.0.0.1	Admin User	course view	Электрон педагогика

2.4-расм. Ҳисобот журналининг кўриниши

Саҳифанинг юқори қисмида журнал фильтри параметрларини бериш мумкин:

- курс номи;
- гурух;
- иштирокчини;

Машғулот,курснинг интерфаол элементи ёки ресурси.

Агар курсда фаоллик катта бўлса,журналда қайд этилган воқеалар бир нечта саҳифада жойлашиши мумкин. Уни қискартириш учун фильтрни аниқлаштириш мумкин.Масалан, фақат гуруҳ эмас,балки курснинг аниқ иштирокчиси ёки аниқ кунни олиш мумкин.

Журналда қуйидаги ахборот қайд этилади:

- воқеа санаси ва вақти ;
- Курс иштирокчиси IP адреси (манзили); -курс иштирокчиси томонидан бажарилган амал;
- қўшимча ахборот.

Шундай қилиб, MOODLE тизимида ўқувчилар фаолиятини кузатиш учун фойдалидир. Ҳисобот журнали орқали ўқувчиларнинг қайсилари курс материалларини ўрганмоқда, кимлар эса бирор марта ҳам курсга кўз



ташламаганлигини назорат қилиш мумкин.

Саволлар:

1. MOODLE тизимида қандай имкониятлари мавжуд?
2. Moodle инглизча сўзларнинг аббревиатурасини ёзиб беринг.
3. MOODLE нинг расмий интернет манзилени ёзиб беринг.
4. MOODLE тизимида ўқув курси деганда нимани тушинамиз?
5. MOODLE тизимида ўқув жараёнига оид ўзгартиришларни “Бошқариш” панели орқали қандай амалларни бажариш мумкин?

Адабиётлар ва интернет-сайлар

- 1) Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари. Монография. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
- 2) Электрон таълим бўйича В.С.Хамидовнинг шахсий блоги
<http://elearning.zn.uz/>
- 3) <https://www.udemy.com/moodlefree/>
- 4) <http://uio.csu.ru/static/moodle/index.html>



3-маъруза. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш (2 соат).

Режа:

3.1. LMS Moodle тизимида талабаларни регистрация килиш.

3.2. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш.

Таянч иборалар: *LMS Moodle, фойдаланувчи, регистрация жараёни.*

3.1. LMS Moodle тизимида талабаларни регистрация килиш.

LMS Moodle да Фойдаланувчининг қайд этиш таркиби қўйидагича бўлади:

- Қайд этиш;
- Қайд этиш ёзувини яратиш;
- Тизимга кириш;
- Фойдаланувчи профилини таҳрирлаш;
- Паролни алмаштириш ва қайта тиклаш.

Қайд этиш

Moodle тизимида биринчи бор киришда қайд этиш процедураларини бажариш тавсия этилади, чунки қайд қилинмаган фойдаланувчиларнинг тизимда ишлаш имкониятлари чекланган бўлади. Уларга бош саҳифада берилган маълумотларни кўриш ва меҳмон фойдаланувчиларга рухсат этилган ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Меҳмонларга очик курсларни белгилаш учун уларнинг номини ёзишда махсус белги қўйилади. Сайтга кириш ва ундан фойдаланишда кенг имкониятларга эга бўлиш учун фойдаланувчи ўзини тизимда қайд этиши зарур.

Қайд этиш ёзувини яратиш

Қайд этиш жараёни икки босқичдан иборат. Биринчиси – қайд этишнинг ўзи бўлса, иккинчиси - қайд этилганликни тасдиқлашдир.



Фойдаланувчи қайд этилганини тизим тасдиқлагандан кейингина у ўз номи ва пароли билан тизимга кириши мумкин.



3.1-расм. Тизимга кириш ойнаси

Қайд этиш жараёнида фойдаланувчининг *қайд этиш ёзуви* яратилади. Бу – фойдаланувчи томонидан компьютер тизимига ўзи ҳақида бериладиган маълумотлардан иборат ёзувдир. Сайтда қайд этиш учун бош саҳифанинг ўнг қисмида жойлашган *Кириш* ойнасидаги *Қайд этиш ёзувини яратиш* сичқонча орқали босилади. Натижада сўровномадан иборат саҳифа пайдо бўлади. Сўровноманинг тўлдирилиши шарт бўлган майдонларига маълумот киритилгач *Сақлаш* тугмаси босилади. Логин ва пароль логин символлари ва/ёки рақамлардан иборат бўлиши керак. Логин сифатида талабанинг рейтинг дафтарчаси номерини киритиш ва исм, фамилия ва шаҳар номларини крилл символлари билан ёзиш тавсия этилади. Электрон почта манзили ягона бўлиши ва такрорланмаслиги керак. Бир электрон манзилни бир неча фойдаланувчилар биргаликда ишлатиши мумкин эмас.




3.2-расм. Регистрациядан ўтиш ойнаси

Тўғри тўлдирилган сўровнома сақланганидан сўнг тизим қайд этиишни тасдиқловчи хат кўрсатилган электрон манзилга юборилганлигини хабар беради. Фойдаланувчи электрон почтасини очиб, манзил ўзи анкетани тўлдиришда кўрсатган электрон почта манзили билан мос эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Қайд этишни тасдиқловчи хат биров кечикиб келиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Агар электрон манзил тўғри кўрсатилган ва хат келиб тушиши билан боғлиқ муаммолар бўлмаса, 5-10 минут ичида *Moodle* администраторидан “подтверждение аккаунта ” мавзу билан юборилган хат келиб тушиши керак. Хатни очиб, унда кўрсатилган манзилга ўтиш зарур. Қайд этиш тасдиқланиши билан «Регистрация подтверждена» саҳифа пайдо бўлади.

Тизимга кириш

Қайд этиш бажарилгандан кейин фойдаланувчи сайтга ҳар сафар кирганида “*Кириш (Вход)*” ойнасида ўз логин ва паролини териб идентификациядан ўтиши керак. Шундан сўнг сайтнинг бош саҳифасининг “*Навигация*” блогига фойдаланувчи янги имкониятлар очилади.



3.3-расм. Навигация ойнаси

«Менинг профилим (Мой профиль)» бўлимида фойдаланувчи ўз профили ҳақида маълумотларни, форум хабарларини, шахсан ўзига юборилган хабарларни, ёзишмалар тарихини ва бошқа хил маълумотларни кўриши мумкин.

“Менинг курсларим (Мои курсы)” бўлими фойдаланувчи аъзо бўлган курсни тез топиб олишга имкон беради. Бунинг учун “Мои курсы” кўрсаткичига сичқонча тугмаси билан босилса, тизим фойдаланувчи аъзо бўлган барча курслар рўйхатини чиқариб беради.

«Хабарлар (Сообщения)» блогда фойдаланувчи келиб тушган хабарларни кўриши ёки ўзи бошқа фойдаланувчиларга электрон хабарлар юбориши мумкин. Moodleнинг бошқа фойдаланувчилари билан алоқа ўрнатиш учун фойдаланувчи “Менинг ҳамсуҳбатларим (Мои собеседники)” номли рўйхат шакллантириб олиши мумкин. Бундай рўйхатни яратиш учун «Фойдаланувчилар ва хабарларни қидириш (Поиск пользователей и сообщений)» ойначаси орқали фойдаланувчи ўзига керакли исм ва/ёки фамилияни ёки бирон бир жумлани ёзади. Шундан сўнг тизим киритилган исму фамилияли фойдаланувчилар ёки таркибида киритилган жумла учрайдиган хабарлар рўйхатини чиқаради. Топилган фойдаланувчини фойдаланувчини рўйхатга киритиш учун унинг номи ёзуви устига сичқонча тугмасини бир босиб, пайдо бўлган “Ҳамсуҳбат киритиш (Добавить собеседника)” ойнасидаги кўрсаткичга босиш керак. “Кенгайтирилган (Расширенный)” номли банд билан керакли параметрларни (опциялар) ўзгартириш мумкин.

Фойдаланувчи профилини таҳрирлаш (Редактирование профиля пользователя).

Фойдаланувчи ўз қайд этиш ёзувини муваффақиятли равишда ташкиллаштириб тизимга киргандан сўнг, сайт бош саҳифасининг юқори ўнг қисмида унинг номи *гиперссылка* сифатида ёзилган бўлади. Ушбу



гиперссылка фаоллаштирилса, фойдаланувчининг профили ва қайд этиш ёзуви акс этирилган ойна пайдо бўлади. Ёзувларни таҳрирлаш учун «Маълумотларни таҳрирлаш(Редактировать информацию)» номли бандда «Настройки->Настройки моего профиля» блокни сиконча тугмаси билан босиш керак. Қайд этиш ёзувининг майдонларининг бир қисми *мажбурий* ва бир қисми *мажбурий эмас* турда бўлади. Ёзув яратилаётганда фойдаланувчидан мажбурий майдонларни албатта тўлдириш сўралади. Ҳар икки хил майдонларни қайд этиш ёзувини таҳрирлаш пайтида ўзгартириш мумкин. Фойдаланувчига қайд этиш ёзувининг қўшимча параметрларини ҳам ўзгартириш имкониятлари берилган. Профил параметрларини таҳрирлашнинг кенгайтирилган режимига ўтиш учун “Қўшимчаларни кўрсатинг (Показать дополнительные)” тугмасига босилади.

Қайд этиш ёзувининг мажбурий майдонлари ва асосий параметрларини кўриб чиқамиз.



“*Менинг e-mail*”ни кўрсатмаслик. (*Не показывать мой e-mail*) тугмаси орқали кўринишни таъқиқлаш мумкин.

- **E-mail фаоллаштирилган. (E-mail активирован).** Фойдаланувчининг электрон манзили сайтдан унга электрон хабарлар юбориш учун очик ёки ёпиқлигини билдирувчи параметр.

- **Формат e-mail.** Бу параметр фойдаланувчига юборилаётган хабарлар форматини белгилайди. «*HTML-формат*» танланса, хабарлар фаол гиперссылкалар ва форматлашнинг турли элементлари (ранглар, рамкалар, шрифтлар ва бошқалар) билан биргаликда HTML форматда юборилади. «*Текст*» - тугмаси эса хабар оддий матн шаклида гиперссылкаларсиз юборилишини билдиради.

- **Форумга ёзилиш. (Автоподписка на форум).** Фойдаланувчи электрон манзилига форумлардан хабарларнинг нусхалари келиб туриши мумкин/мумкин эмас ҳолатини белгиловчи параметр. Агар «*Да*» танланса, фойдаланувчи ҳеч бўлмаганда битта хабар юборган форумдан барча янги хабарларнинг нусхалари келиб тушаверади. Бундан англанадики, фойдаланувчи форумга битта хабар юбориши билан унга автоматик тарзда ёзилган бўлади.

- **Форумларни кузатиб бориш. (Слежение за форумами).** Агар бу танланган бўлса, фойдаланувчи форумлардаги ўқилмаган хабарларни кўриб бориши мумкин.

- **Матнни таҳрирлаш вақтида. (Во время редактирования текста).** Бу параметр матнлар учун *RichText Editor* визуал таҳрирлаш дастурини ишлатиш ёки стандарт веб-шакллардан фойдаланиш мумкинлигини билдиради. Агар «*Использовать Richtext HTML-редактор*» танланган бўлса, фойдаланувчи ўз матнларини *RichText Editor* дастури орқали форматлаши мумкин бўлади. Бундай форматлаш *Internet Explorer*нинг 6.0 ва ундан юқори версиялари ҳамда *Mozilla Firefox*нинг 2.0 ва ундан юқори версияларидан фойдаланаётган ҳолларда мумкин. Агар фойдаланувчи



ишлатаётган браузер матнларни *html*-редактор орқали форматлашга имкон бермаса, у ҳолда «Использовать стандартные web-формы» танлангани маъқул.

- **AJAX и Javascript.** Бу опсия *AJAX* и *Javascript*нинг қўшимча имкониятларидан фойдаланиш мумкинлигини билдиради.

- **Шаҳар, мамлакат. (Город, страна.)** Бу майдонларда фойдаланувчи шаҳар ва мамлакатнинг номи берилади.

- **Вақт зонаси. (Временная зона.)** Бу опсияда кўрсатилган параметрлар фойдаланувчининг топшириқларни бажариш, тест топшириш ва бошқа хил фаолиятига курс раҳбари (ўқитувчи) белгилаган муддатларни фойдаланувчи жойлашган вақт зонасига ўтказиш учун ишлатилади. Бу ерда интерфейс тили қайси тил бўлса, ўша тилдан фойдаланган маъқул.

- **Тавсифнома. (Описание.)** Бу ерда фойдаланувчи ўзи ҳақида унчалик катта бўлмаган матн орқали маълумот бериши мумкин. Масалан, фойдаланувчининг маълумоти, мутахассислиги, хобби, касби ва бошқа хил маълумотлар.

Қайд этиш ёзувининг юқорида изоҳ берилган асосий параметрларидан ташқари фойдаланувчи қуйида кўрсатилган мажбурий бўлмаган майдонларни ҳам тўлдириши мумкин.

The image shows a screenshot of a user profile form. It is divided into three main sections:

- Избранное пользователем:** Contains fields for 'Имя' (Name) and 'Почта' (Email), a 'Удалить' (Delete) button, and a 'Новое изображение' (New image) section with a file upload button and a note: 'Выбор файла... Максимальный размер новых файлов: 12Мбайт. По умолчанию не один файл'. There is also a 'Описание изображения' (Image description) field.
- Интересы:** Contains a 'Ссылка на ресурс' (Resource link) field and a 'Введите тему интереса' (Enter topic of interest) field.
- Различные данные:** Contains a list of input fields for: 'Web-страница', 'Имя ICQ', 'Skype ID', 'AIM ID', 'Yahoo ID', 'Идентификационный номер', 'Почтовый адрес (для писем)', 'Отец', 'Телефон', 'Мобильный телефон', and 'Адрес'.



3.4-расм.

- **Жорий расм. (Текущая картинка.)** Бу ерда фойдаланувчининг hozirgi пайтдаги расми жойлаштирилади. «*Йўқотиш (Удалить)*» майдонига байроқча қўйиб, жорий расмни олиб ташлаш мумкин. Фойдаланувчи ўз расмини сайтга жойлаштирамаган бўлса, расм жойида «*Бўш (Пусто)*» ёзуви туради.

- **Фотография (Максимал ўлчов: 128Мбайт).** Фойдаланувчи ўз фотографиясини ўз компютеридан серверга юклаб қўйиши мумкин. Фотография форумларнинг хабарларида ва фойдаланувчининг қайд этиш ёзувида ишлатилади. У *JPG* ёки *PNG* форматида бўлиши керак. Фотография файлини серверга юклаш учун фойдаланувчи «*Обзор*» тугмасини босиб, ўз компютеридан фотография файлини танлаши керак.

- **Web-саҳифа. (Web-страница.)** Фойдаланувчининг шахсий саҳифаси ёки сайти.

- **Номер ICQ.** Фойдаланувчининг *ICQ*-номери унинг профилида барча фойдаланувчиларга кўриниб туради.

- **Skype ID/ AIM ID/ Yahoo ID/ MSN ID.** Фойдаланувчининг *Skype/AIM/ Yahoo/ MSN* тизимидаги шахсий идентификатори унинг профилида барча фойдаланувчиларга кўриниб туради.

- **Шахсий номер. /Муассаса ёки ташкилот /Бўлим /Телефон /Манзил (Индивидуальный номер/ Учреждение (организация)/ Отдел/ Телефон/ Мобильный телефон/ Адрес.)** Фойдаланувчи бу майдонларга ўз маълумотларини киритиши мумкин.

Паролни алмаштириш ва қайта тиклаш. (Смена и восстановление пароля).

Moodle фойдаланувчиси ихтиёрый пайтда ўз паролини ўзгартириши мумкин. Бунинг учун у ўз қайд этиш ёзувини очиб, «*Паролни ўзгартириш (Изменить пароль)*» тугмасини босиши ва кейин тегишли майдонларда



жорий ва янги паролларни териши керак. Сўнгра «Сақлаш(Сохранить)» тугмаси босилади. Эски парол тўғри киритилган ва янги парол хатосиз терилган бўлса, фойдаланувчи сайтга кейинги киришларида янги паролни ишлатиши керак. Агар фойдаланувчи ўз паролини унутиб қўйса, уни логин орқали ёки электрон почта манзили орқали тиклаб олиши мумкин. Янги парол почтага юборилади.

3.2. LMS Moodle тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш.

Фойдаланувчи *Moodle* тизимида қайд этилганидан сўнг мавжуд ихтиёрий курснинг тингловчиси бўлиши мумкин. Тегишли ҳуқуқларга эга тингловчилар курсга ёзилиши ва у билан иш олиб бориши мумкин, яъни ўқув материалларини ўрганиш, муҳокамаларда қатнашиш, тест синовларини топшириш, топшириқларни бажариш каби фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Курс танловида қўйидагиларни ташлаш мумкин:

- *Курсни қидириш (Поиск курса)*
- *Курсга ёзилиш (Запись на курс)*
- *Ўқишни тугатиш (Завершение обучения)*

Курсни қидириш (Поиск курса).

Курслар тоифалар ва қисмий тоифалар бўйича турларга бўлинади. Одатда, тоифа сифатида курсни ўқитишга масъул кафедра ёки факультет номи олинади. Бош саҳифанинг “*Курслар тоифалари (Категории курсов)*” номли бўлимида курсларнинг мавжуд тоифалари номлари рўйхати берилади. Дастлаб керакли тоифа танланади ва унга тегишли курслар рўйхатидан фойдаланувчини қизиқтираётган курс танланади. Бундан ташқари, курсни калит сўз орқали қидириш формасидан фойдаланиб топиш ҳам мумкин.

Курсга ёзилиш. (Запись на курс).

Ўқитувчи ўз курсларини ишга созлаётган пайтда тингловчиларнинг



курсга ёзилиш усулини танлаб олади. Тингловчи курсга биринчи бор кираётганида қўйидаги хабарларни кўриши мумкин:

- *“Сиз ушбу курсга аъзо сифатида ёзилмоқчи бўляпсиз? Шунга ишончингиз комил-ми?”* («Вы собираетесь записать себя участником этого курса. Вы уверены, что хотите это сделать?»)

- *“Фойдаланувчи курсга ўзи ёзила олмайди”* («Курс недоступен для самозаписи.»)

- *“Ушбу курс ‘код-сўз’ киритишни талаб этади. Уни ўқитувчидан олиш зарур.”* («Этот курс требует ввода 'кодового слова' - одноразового пароля, который Вы должны были получить от учителя»)

Курсга фойдаланувчининг ўзи ёзилиши мумкин. (Курс доступен для самозаписи.) Сайтда қайд этилган ихтиёрий фойдаланувчи хоҳлаган пайтда мустақил равишда ўзи курсга ёзилиши мумкин. Ўқитувчи ёзилишга рухсат берилган муддатни белгилаб қўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда, тингловчилар фақатгина белгиланган муддат ичида мустақил равишда ўзлари ёзилиши мумкин.

“Фойдаланувчи курсга ўзи ёзила олмайди” («Курс недоступен для самозаписи.») Бундай ҳолда курсга тингловчиларни ўқитувчининг ўзи ёзиб қўйади.

Код-сўз. Ўқитувчи ўз курси учун код-сўз ўрнатиб қўйиши мумкин. Бу бегоналарнинг курсга киришини чегаралаш учун хизмат қилади. Одатда, ўқитувчи ўз тингловчиларига код-сўзни дарсда эълон қилади ёки электрон почта орқали юборади. Тингловчи курсга биринчи бор кираётганида код-сўзни киритиши зарур.

Ўқишни тугатиш (Завершение обучения)

Курсни ўқиш даври уни созлаётганда берилади. Курс бўйича ўқишни тугатиш санасини ўқитувчи белгилаб қўйади. Бу санадан сўнг курсга кириш мумкин бўлмайди. Тизимда тингловчиларга курс бўйича ўқиш муддати тугаганлиги ҳақида электрон хабар юбориш имконияти бор. Ўқитувчи



зарурий ҳолларда тингловчини курсдан четлаштириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, *админстртор* томонидан белгиланган муддатда тингловчи курсга ақали бир марта кирмаса, у автоматик тарзда курсдан четлатилади.

Саволлар:

1. MOODLE тизимида қандай қилиб талабаларни регистрациядан ўтказиш мумкин?
2. Moodle тизимида фойдаланувчиларнинг қандай роллари мавжуд?
3. MOODLE тизимида *Қайд этиш жараёни* қанча босқичдан иборат?
4. MOODLE тизимида «*Менинг профилим (Мой профиль)*» бўлимида фойдаланувчи қайси маълумотларни кўриши мумкин?
5. MOODLE тизимида «*Менинг курсларим (Мои курсы)*» бўлими фойдаланувчи учун қандай имконият беради?
6. MOODLE тизимида «*Хабарлар (Сообщения)*» блоги фойдаланувчи учун қандай имконият беради?

Адабиётлар ва интернет-сайилар

1. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари. Монография. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
2. Электрон таълим бўйича В.С.Хамидовнинг шахсий блоги <http://elearning.zn.uz/>
3. <https://www.udemy.com/moodlefree/>
4. <http://uio.csu.ru/static/moodle/index.html>



4-маъруза. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари (2 соат).

Режа:

- 4.1. LMS Moodle тизимида тестлар турлари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари.
- 4.2. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари.


Таянч иборалар: *LMS Moodle, тест, Тўғри/Нотўғри, ичма-ич жавоблар (Cloze), Ҳисоблаб топиладиган жавоб, Қисқа жавоб, Кўп вариантли танлов, Мосликни текшириш, Сонли, Эссе, Тавсиф.*

4.1. LMS Moodle тизимида тестлар турлари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари.

LMS Moodle тизимида *Тестлар* саволларнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда тузилади. Саволларнинг турлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- Тўғри/Нотўғри
- ичма-ич жавоблар (*Cloze*)
- Ҳисоблаб топиладиган жавоб
- Қисқа жавоб
- Кўп вариантли танлов
- Мосликни текшириш
- Сонли
- Эссе
- Тавсиф.





4.1-расм. Тестларни танлаш ойнаси

Тўғри/Нотўғри – тингловчи “Тўғри” ёки “Нотўғри” вариантлардан бирини танлаб жавоб беради.

Ичма-ич жавоблар (Cloze) – Бу усулда берилган тестда жавоблар савол матни ичига киритилган бўлади. Бундай саволга жавоб *қисқа жавоб, сонли жавоб ёни кўп вариантли танлов* шаклида берилиши мумкин.

Ҳисоблаб топиладиган жавоб. Берилган формула бўйича қиймат ҳисоблаб жавоб бериладиган тестлар. Формула ҳар сафарги тестда фақат сонли қийматлари ўзгартириладиган шаблондир.

Қисқа жавоб. Тест жавоби битта сўз ёки қисқа жумладан иборат бўлади. Тўғри жавобнинг турли вазнли бир неча вариантлари берилиши мумкин.

Кўп вариантли танлов. Тингловчи жавобнинг тақдим этилган вариантларидан бирини танлайди. Бундай тестлар икки хилда: тўғри жавоб битта ёки бир нечта бўлиши мумкин.



Вопрос 1
Tries remaining: 3
Балл: 1,00
Отметить вопрос
Редактировать вопрос

Выберите все города-столицы государств

Выберите один или несколько ответов:

- Киев
- Мариуполь
- Санкт-петербург
- Москва
- Гамбург
- Минск
- Донецк
- Лос-Анджелес

Проверить

4.2-расм. Кўп вариантли танлов тести

Мосликни текшириш. Саволлар рўйхати ва жавоблар рўйхати биргаликда берилиб, тингловчи ҳар бир саволга мос жавобни кўрсатиши керак.

Сонли жавоб. Бу хилдаги тестлар қисқа жавобли тестларга ўхшаш бўлиб, фарқи шундаки *сонли жавобда* тақрибий ҳисоблашлардаги хатоликлар инобатга олинади. Тингловчи жавоб бўлиши мумкин бўлган қийматларни ўз ичига олувчи узлуксиз диапазонни кўрсатиши мумкин.


Эссе. Ўқитувчи савол жавобини эссе (ёзма иш) шаклида ёзишни талаб қилиши мумкин. Бундай жавоб ўқитувчи томонидан текширилади ва баҳоланади.

Тавсиф. Бу тест матнига қўшимча бўлиб, қисқа йўриқнома, рукн номи ёки бошқа хил изоҳловчи ёки тушунтирувчи маълумотни ўз ичига олади.

Тест топшириқларининг кўпчилиги автоматик тарзда баҳоланади. Ўқитувчи тест топшириқларини бажаришга турли хил чекловлар қўйиши мумкин. Масалан, тест синовининг бошланиш ва тугаш вақти, тест топширишга икки уриниш орасидаги вақт, парол илгаридан белгилаб қўйилиши мумкин. Ўқитувчи тест топширишга уринишларнинг мумкин бўлган сонини кўрсатиши, тест жавоби учун бир ёки бирданига барча



тестларга умумлаштириб изоҳлар бериши мумкин. Тест топширишнинг жорий уринишида аввалги уринишларда берилган жавоб варианти ҳисобга олиниши ҳам мумкин. Ўқитувчи тингловчиларнинг жавоб бериши ва унга сарфланаётган вақт ҳақида батафсил маълумот олишига имконият бор.




4.3-расм. Тестга берилган вақтни белгилаш ойнаси

4.2. LMS Moodle тизимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва баҳолаш усуллари.

Топшириқлар ўқитувчи талабаларга кенгайтирилган жавоб тайёрлашни талаб этадиган вазифалар қўйишига хизмат қилади. Намунавий топшириқлар сифатида реферат тайёрлаш, лойиҳа тузиш, доклад тайёрлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Топшириқни бажариш шартларини ўқитувчи белгилайди. Масалан, топшириқни бажаришга вақт бўйича чеклов қўйилиши мумкин. Ўқитувчи тингловчига жавобларни муддатдан ўтган бўлсаям юборишга рухсат бериши мумкин. Бундай ҳолда, ўқитувчига жавобларни кўриб чиқаётганда муддатидан кечикканлари ҳақида ахборот бериб турилади. Ўқитувчи жавобларни баҳолаб, қўйган баҳоларини ва изоҳларини ҳар бир тингловчига алоҳида ёки бир неча тингловчиларга умумий қилиб бир саҳифага ёзиб қўйиши мумкин.






4.4-расм. Топшириқлар бўлимини танлаш


Топшириқлар. Фойдаланувчига 4 хил топшириқлар берилиши мумкин:

- жавоби бир неча файлларда бериладиган;
- жавоби матн шаклида;
- жавоби файл шаклида;
- жавоби сайтдан ташқари ҳолатда.



4.5-расм. Топшириқлар турларини танлаш





4.6-расм. Топшириқларга амалий мисол

Сўров - Ўқитувчи савол билан биргаликда унинг жавобининг бир неча вариантларини ҳам беради. Сўров тингловчилар орасида бирон масала бўйича овоз беришини ташкиллаштириш учун ишлатилади. У бирон муаммо бўйича тингловчиларнинг фикрини билиш учун хизмат қилади. Сўров ўтказиш муддатлари илгаридан белгилаб қўйилиши мумкин. Сўров тугагандви сўнг унинг натижалари кўриш учун очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Сўров, шунингдек, тингловчиларни бирон бир параметр асосида гуруҳларга тақсимлаш учун ҳам ишлатиши мумкин.

Анкета - бу элемент ички анкеталардан (*COLLES, ATTLS*) иборат бўлиб, улар масофавий курсларда баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадларида ишлатилади.

Малумотлар базаси – ихтиёрий мавзулар бўйича ёзувлар банки. Ёзувларнинг тузилмаси ва форматига чекловлар деярли йўқ, улар тасвирлар, файллар, сонлар, матн кабилардан иборат бўлиши мумкин. Ёзувлар битталаб



ёки рўйхат бўйича кўриб чиқилиши мумкин. Ёзувни қидириш учун форма мавжуд. Ўқитувчи *Малумотлар базаси* билан ишлашга турли хил чекловлар қўйиши мумкин, улар: кўриб чиқишга, ёзув қўшишга рухсат берилган муддатлар, ёзувларнинг мумкин бўлган энг катта ва энг кичик сони.

Саволлар:

1. MOODLE тизимида қандай қилиб талабаларни билимини текшириш мумкин?
2. Moodle тизимида қандай тест турлари мавжуд?
3. MOODLE тизимида тест тузиш жараёни қанча босқичдан иборат?
4. MOODLE тизимида анкета элементининг хусусиятлари нимадан иборат?
5. MOODLE тизимида суров элементининг хусусиятлари нимадан иборат?
6. MOODLE тизимида топшириқлар элементининг хусусиятлари нимадан иборат?
7. Moodle тизимида топшириқларнинг қандай турлари мавжуд?

Адабиётлар ва интернет-сайилар

1. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари. Монография. -Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
2. Электрон таълим бўйича В.С.Хамидовнинг шахсий блоги
<http://elearning.zn.uz/>
3. <https://www.udemy.com/moodlefree/>
4. <http://uio.csu.ru/static/moodle/index.html>



IV БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. LMS Moodle тизимида назарий машғулотларни яратиш (4 соат).

Ишдан мақсад - LMS Moodle тизимида янги курсни яратиш асосида назарий машғулотларни ташкил этиш.

Назарий маълумот

Янги курс қўшиш. Системага янги курс қўшиш ҳуқукига администратор, курс ясовчи ва ўқитувчи (агарда ўқитувчига администратор томонидан курс ясаш ҳуқуқи берилган бўлса) эга бўлади.

Курсни ясаш учун курслар категорияси ойнасидан курс қўшиш(**Добавить курс**) банди орқали амалга оширилади. Бунинг учун:

1.Курс қўшиш(**Добавить курс**) тугмаси босилади.

2.Курс қўшиш ойнасининг формаси экранга чиқади. Бунда керакли параметрлар ўрнатилиб, керакли бандлар тўлсирилади.


Курс қўшиш ойнасида курснинг категориясини аниқлаш учун ойнадан курс қайси категорияга тегишли эканлиги аниқланади. Агар дарчада яратаётган курсга тегишли ойна бўлмаса у ҳолда ихтиёрий бир категорияни танлаб кейин уни ўзгартириш мумкин.Бунда:

Курснинг тўлиқ номини ёзиш керак. Масалан: “С++ да дастурлаш ” ёки “Менинг биринчи курсим” каби ёзилади. Кейинги дарчада курс номининг қисқартма шакли берилади. Масалан: АКТ ёки МБК.

Қисқа тушунча (краткое описание) бўлимида курс ҳақида, унинг мақсади, курснинг давомийлиги ҳақида қисқача маълумот яъни аннотатсия бериб ўтилади.

Формат бандида календар танланади, чунки курсдан ҳафта давомида фойдаланиш мумкин, ёки аниқ саналарда топшириқлар олиниши ва маълум муддатларда курс ёпиқ бўлиши мумкин.





1.1-чизма. Курс қўшиш ойнаси.

Количество нед/тем бандига қўйилган сон, агар формат календар режимида бўлса ҳафта сонини билдиради. 10 сони курснинг 10 ҳафта давом этишини англатади.

Курснинг бошланиш вақти(**дата начало курса**) банди курс қачондан бошлаб ишга тушишини аниқлайди. Шу сабабли курснинг бошланиш вақтини белгилаб бериш зарур.



Янгиликлар(**новости**) бўлимида курснинг янгиликлари билан таништириш кўрсатгичини билдиради. Агар бу дарчада 0 сони киритилса у холда курс саҳифасида янгиликлар умуман кўрсатилмайди.

Баҳоларни кўрсатиш (**показывать оценки**) бўлимида “**ҲА**” сўзи киритилган бўлса ўқувчи **баҳолар** саҳифасида олган баҳоларини кўриб бориши мумкин. Агар ўқитувчи баҳоларни кўрсатмасликка ҳаракат қилса у холда дарчада **ЙЎҚ (НЕТ)** сўзи ўрнатилади.

Иш ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот(**показат отчёт о действиях**) бандида **НЕТ** сўзи ўрнатилса бажарилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисобот яширин ҳолатда бўлади. Бу ҳисоботлар ўқувчини курсга қатнашиш жараёни ва унинг юборган жавоб вариантлари бўлиши мумкин.

Юкланадиган файлнинг максимал размери(**Максимальный размер загружаемого файла**) бандида файл размери Мбайтларда кўрсатилади. Бу берилган топшириқ учун ўқувчи томонидан бериладиган файл размери бўлиб ҳисобланади. Ўқувчи топшириққа жавоб берадиган вақтда шу размерли файлни инобатга олиши зарур.

Экранга мавзу қўйиш (**Задать тему принудительно**) банди ёрдамида курснинг экран дизайнини ўзгартириш учун қўлланилади. Агар бандда (**не вынужденный**) сўзи ўрнатилган бўлса Администратор томонидан қўйилган экран дизайни қабул қилинади.

Метакурс бандида бошқа курс таркибига кирувчи талабаларнинг бу курсга тегишли эканлигини аниқлатади. Шу сабабли бу бандда **НЕТ** сўзи ўрнатилади.

Рўйхатга олиш усули(**метод записи**) бу параметр администратор томонидан талабаларни усуллар ёрдамида рўйхатга олишни билдиради. Шу сабабли (**сайт по умолчанию**) бандини танлаган маъқул.

(**Роль по умолчанию**) яъни бу параметр курсга аъзо бўлган барчани ролларини аниқлаб беради. Шу сабабли (**сайт по умолчанию(студент)**) бандини танлаган маъқул.

Ўз-ўзини ройхатдан ўтказиш учун курс очиқлиги(**курс доступен для**



самозаписи) бу параметр талабалрни ўзи мустақил равишда курсга аъзо бўлишини англатади. Аъзо бўлишни чеклаш учун **период** бандини танлаб маълум бир кунлар диапазонини ўрнатиш зарур.

Курсда ўқишнинг давомийлиги (**продолжительность обучения**) бу кўрсаткич курсда ўқишнинг давомийлигини англатади. Маълум бир белгиланган муддат ўтгандан сўнг талаба курсдан озод этилади. Шу сабабли (**неограничено**) бандини танлаш мумкин.

Ўқув жараёнини тугатганли тўғрисидаги маълумотлар ихтиёрий равишда тўлдирилади.

Гуруҳли метод(**групповой метод**). Бунда курснинг гуруҳли методидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни англатади. Агар бандда (**Но группс**) танланса курсда гуруҳ мавжуд эмаслигини англатади ва талабалар гуруҳларга бўлинмайди. **Отдельные группы**-банди танланса бунда гуруҳларга бўлинган талабалар ўз гуруҳларини ягона деб билишади ва бошқа гуруҳлар ҳақида маълумотга эга бўлишмайди. Агар **Доступные группы** банди танланса талабалар ўз гуруҳлари соҳасида иш юритишади аммо бошқа гуруҳларнинг иш жараёни билан таниш бўлишади.

Курс даражаси(**уровень курса**) гуруҳли режимда курснинг даражаси доимий барча элементлар учун (**По умолчанию**) кўринишида бўлади.

Курс элементларининг даражаси(**уровень элементов курса**). Ҳар бир элемент учун гуруҳли режим сақланса у ҳолда унинг даҳлли гуруҳ режими эканлигини кўрсатиш керак. Курс учун (**принудительный групповой режим**) бандида **ДА** сўзи ўрнатилган бўлса у ҳолда барча элементлар учун тааллуқли бўлади.

Курс ишлаётган бўлса (**доступность**) бандида **курс доступен** банди танланади, акс ҳолда яъни **курс недоступен** бўлса бу курс талабалардан яширилади ёки курслар рўйхатида ушбу курс кўрсатилмайди. Бу ҳолатда ўқитувчилар ва администратор учун курс очик бўлади, аммо талабалар курсга кириш учун қанча уринишмасин курсга кира олишмайди.

Кодланган сўз (**кодовая слова**) курснинг барча фойдаланувчилари учун



ёпиб қўяди. Агар шу банд бўш қолдирилса у ҳолда ихтиёрий фойдаланувчи курсга ёзилиши мумкин.

Меҳмон учун кириш ҳуқуқи(**доступ для гостя**) берилиши мумкин, у ҳолда барча курсга мурожаат қилиши мумкин. Меҳмон курсга кириб у билан танишиши мумкин, аммо ҳеч қандай фикр билдира олмайди.

Administrator	<input type="text"/>
Course creator	<input type="text"/>
Teacher	<input type="text"/>
Non-editing teacher	<input type="text"/>
Student	<input type="text"/>
Guest	<input type="text"/>
Authenticated user	<input type="text"/>

1.2-чизма. Ролларни киритиш ойнаси.

Ҳосил бўлган саҳифада курсга аъзо бўлган талабалар ройхати, ўқитувчининг исми шарифи китритилади.

Assign roles in Course: UK

Locally assigned roles

- Список всех ролей...
- Teacher
- Non-editing teacher
- Student
- Guest
- Teacher

Назначить роль: Teacher

Ройхатдан роллар танланadi

Shu roliga kerakli ism familiya kiritiladi

Продолжительность обучения: Неограниченно Starting from: Сегодня (20 Август 2019)

1 пользователей с этой ролью

Madina Muxtarovna Taxirova

4 потенциальных пользователей

Abdullayeva Sallma
Axmedov Azim
Masina Muxtarovna Taxirova

Добавить Удалить

Найти

Assign roles in Course: UK

1.3-чизма. Ролларни қўйиш ойнаси.



Роли	Описание	Пользователи	
Teacher	Teachers can do anything within a course, including changing the activities and grading students.	1	Madina Muxtorovna Taxirova
Non-editing teacher	Non-editing teachers can teach in courses and grade students, but may not alter activities.	0	
Student	Students generally have fewer privileges within a course.	0	
Guest	Guests have minimal privileges and usually can not enter text anywhere.	0	

Нажмите для ввода в ваш курс

1.4-чизма. Ролларни курсга қўшиш ойнаси.

Шундан сўнг курс даҳифаси очилади ва керакли элементлар курсга киритилади.

Moodle тизимида дарс жараёни фақатгина чизикли кўринишда тасвирлаб қолмай, балки **тармоқ кўринишда** ҳам тасвирлаш мумкин. Бунинг учун аввало дарс кўринишини блок схема тарзида тасвирлаб олиш зарур. Бунда схематик кўринишда бош қисмида мавзуга кириш белгилаб олинади.

Дарс бўлимини қошиш қуйидаги усулда амалга оширилади:

1. **Курсга элемент қўшиш (Добавить элемент курса)** менюсидан **Урок** банди танланади.
2. **Мавзуга дарс қўшиш (Добавить урок в темы)** ойнасидан қуйидаги кўрсаткич тўлдириб чиқилади.



1.5-чизма. Дарс элементларини кўйиш формаси

Дарс элементларини кўйиш формаси қуйидагича тўлдирилади:

Название (номи) – бу дарчада дарс номи ёзилади.

Ограничен по времени (вақт бўйича чегараланганлиги) - бу кўрсаткич дарс жараёни вақтини билдиради.

Ограничен по времени (в минутах)(вақт бўйича чегараланганлиги, минутларда) - олдинги бўлимда “Да” сози орнатилган бўлса дарснинг аниқ минутларини кўрсатади.

Максимальное количество ответов/переходов в карточке(жавобларнинг юқори кўрсаткич сони, карточкага ўтиш) - бу кўрсаткич ўқитувчи томонидан ишлатилиши мумкин бўлган жавоблар сонини англатади.

Тренеровочный урок(Ўрганувчи дарс) - Бунда дарс жараёни баҳоланмайди, фақатгина ўқувчи тажриба орттириш мақсадида дарсдан фойдаланади.

Баллы за каждый вопрос(ҳар бир савол баллари) - ҳар бир саволнинг балларини ҳисобга олишни билдиради.

Максимальное оценка(юқори баҳо) – бу кўрсаткич юқори баҳони



аниқлашни билдиради.

Разрешены переэкзаменовки (қайта топширишга рухсат) - Бу кўрсаткичда **ДА** ўрнатилган бўлса ўқувчи бу дарсга яна қатнашиши мумкин. Агарда **НЕТ** ўрнатилган бўлса ўқувчи дарсга бир марта мурожаат қилиши мумкин. Агар ўқувчи дарс жараёнини тўлиқ ўрганишни истаган вақтда унга мавзуга қайта кириш имконини бериш керак. Агар бу дарс назорат дарси бўлса, у ҳолда ўқувчи дарсга бир мартаба мурожаат қилади.

Обработка переэкзаменовок - Имтиҳонни қайта топширишнинг қандай кўринишда бўлишини ўрнатади. Агар ўқувчига қайта топширишга рухсат берилган бўлса баҳоларни кўрсатиш ойнасида ўқувчини ўртача ёки юқори баҳолаш усули кўрсатилади.

Показать текущий балл - жорий баллни кўрсатиш кўрсаткичи бўлиб **нет** қўйилса жорий балл кўрсатилмайди.

The screenshot shows a settings panel with the following options and values:

- Разрешить студентам изменять ответы: Нет
- Показать кнопку «Исправить»: Нет
- Максимальное количество попыток: 1
- Действие после правильного ответа: Стандартный - согласно последовательности страниц урока
- Минимальное количество вопросов: 0
- Количество показанных страниц (карточек): 0
- Форматирование урока
 - Слайд-шоу: Нет
 - Длина слайда: 6:00
 - Ширина слайда: 400
 - Цвет фона слайд-шоу: #FFFFFF
 - Показать слева список страниц: Нет
- Контроль доступа
 - Урок защищен паролем: Нет
 - Пароль: (Оставьте поле пустым, чтобы сохранить текущий пароль)

1.6-чизма. Дарс элементлатини кўйиш формасининг давоми.

Разрешить студентам изменять ответы - Талабага жавобни ўзгартиришга рухсат бериш кўрсаткичи бўлиб, **НЕТ** деб ўрнатилса талаба берган жавобини ўзгартира олмайди.

Показат кнопку «Исправить» - бу қурилма нотўғри жавоб учун ўқувчига жавобни тўғрилашга рухсат бериш учун ишлатилади. Масалан



Ўқувчи саволга жавобни белгилаб қўйси, аммо унинг нотўғри эканлигини билиб қолиб, уни тўғирлашга ҳаракат қилади. Агар дарчада **НЕТ** сўзи ўрнатилган бўлса у жавобни тўғрилай олмайди.

Максимальное количество попыток-саволга жавоб бериш уринишларининг юқори кўрсаткичи бўлиб, агар дарчада 5 сони ўрнатилган бўлса, ўқувчи тўғри жавоб бериши учун 5 марта уриниб кўриши мумкин

Действие после правильного ответа - Тўғри жавобдан кейинг ҳаракатлар. Бу уч кўринишда бўлади:

а) **Стандартный**- агар ўқувчи тўғри жавоб берса дарсинг кейинги бетига ўтишни кўрсатади.

б) **Показывать только новые вопросы**- бу кўрсаткич ўрнатилганда ўқувчи жавоб бериш жараёнида ташлаб кетган савол карточкалари экранда чиқади(нотўғри жавоб берилган карточкалар бундан мустасно).

с) **Показывать вопросы с неправильным ответом**- Ўқувчига корсатилган аммо жавоблари тўғри берилмаган савол бетларини кўриш имконини беради.

Минимальное количество вопросов - саволларнинг юқори кўрсаткичи бўлиб, ўқувчи шу кўрсаткичга қараб саволларга жавоб бериши керак.м-н: Агар кўрсаткич 20 бўлса ва ўқувчи 20 та саволдан 18 тасига тўғри жавоб берса, унда баҳолаш 18/20 кўринишида бўлади.

Количество показанных страниц(карточек) - Ўқувчи кўриниши мумкин бўлган бетлар сонини аниқлайди. Агар кўрсаткич 0 бўлса у ҳолда барча бетларни кўриш мумкин.

Слайд-шоу - Бу дарсни берилган фонда, берилган, баландликда, кенгликда слайд кўринишида кўриш учун мўлжалланган.

Длина слайд, ширина слайда - бу слайдни берилган ўлчамлари

Цвет фона слайд-шоу - слайд рангини кодлари киритилади.РГБ форматда **Показат слева список страниц** - саволлар бетини кўрсатиш мумкин.



Урок защищен паролем - бу кўрсатгич ўрнатилган бўлса ўқувчи дарсга кириш учун паролни ёзиши зарур.

Пароль-парол қўйиладиган дарча

Доступен с: 24 Ноябрь 2006 - 12 10
Крайний срок сдачи: 24 Декабрь 2006 - 15 10

Другие параметры

Показать структуру урока: Нет

Показать лучшие результаты: Нет

Число отображаемых лучших результатов: 10

Использовать установки этого урока по умолчанию: Нет

Доступно для ученики: Показать

Сохранить

1.7-чизма. Дарс элементлатини қўйиш формасининг охириги қисми.

Доступен с - Бу кўрсатгич дарс қачондан бошлаб ишга тушурилади, шуни кўрсатиб туради.

Крайний срок сдачи - дарснинг қачонгача давом этишини аниқлатади.

Показать структуру урока - Дарс структурасини кўрсатиб беради. Гиперссилка кўринишидаги дарснинг бетлари ва саволлари рўйхатини кўрсатиб беради. Ссилка кўриниши рубрикаторлар учун қўқ рангда, савол бетлари учун қизил рангда бўлади.


Показать лучшие результаты - Дарс жараёнида фаол қатнашиб яхши натижага эришган талабаларнинг рўйхатини кўрсатиб беришни аниқлайдиган кўрсатгич.

Число отображаемых лучших результатов - Яхши натижага эришган талабаларнинг чегаравий сонини аниқлайдиган кўрсатгич

Исползовать установки этого урока по умолчанию - “ДА” бу кўрсатгичда шу дарсга қўйилган параметрлар курсдаги қўлган тайёрланаётган дарсларда ҳам ўзгаришсиз қолади. Агар бошқа дарсларда барча кўрсатгичларни ўзгартириш керак бўлса, “НЕТ” сўзи белгиланади.



Сохранить Барча параметрлар қўйилгандан сўнг **сохранить** тугмаси босилади ва экранда **Урок 1** ойнаси очилади.



1.8-чизма. Дарс элементлатини қўйиш ойнаси.

Бунда дарс элементларини қўйишнинг уч варианты мавжуд.


Ойна очилгандан сўнг ишни биринчи нимадан бошлаш кераклиги сўралади ва ўқитувчи шунга қараб ишни бошлайди.

- 1. Импортировать вопросы** - Саволларни қандай форматда ёзиш кераклигини аниқлайди.
- 2. Добавить карточку-рубрикатор** - дарснинг кириш қисмига бет ажратиш учун ишлатилади. Карточка-рубрикаторларнинг бирдан иккинчисига ўтиш ўқувчини дарсни мустақил ўзлаштиришига ёрдам беради.
- 3. Добавить страницу с вопросами здесь** - Бу кўрдатгич стандарт шаклдаги саҳифаларни дарсда жойлаштириш имконини беради. Бу саҳифалар маълумотлардан, саволлардан, бошқа саҳифага ўтиш тугмаларидан иборат бўлиши мумкин.



Маъруза дарсларини тайёрлаш.

